



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ, ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШДА УЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва оқилолликни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлардан қўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгалдайди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўлимини ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва оқилоллик ҳаёт кечирishiни таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бугунги кунда юзга келётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт гоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Шу билан бирга, кейинги йилларда ички ишлар органлари фаолиятида тўлғаниб қолган жиҳдий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда. Хусусан:

биринчидан, республика, ўрта ва қўйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг ғиравдор натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштирмоқда;

иккинчидан, амалдаги ташкилий-штар тузилмалари кўч ва воситалардан оқилотда фойдаланишни таъминламайпти, оқилотда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмай туриб, керагидан ҳам ортиқча штар бирикларни сақлаиб турган бир пайтда, қўйи бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланишига олиб келмоқда;

учинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган, фуқаролар билан муомала маданияти пастлигига қолмоқда, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмайпти;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари юзаси қўриб чиқилмоқда, уларда кўтариладиган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаёпти, муносабатларга расмийликнинг учунгина жавоб берилмаётгани фуқароларнинг норозиликни келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан муносабат этишга мажбур қилмоқда;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисоб бериб боришининг таъсирчан тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаёпти;

олтинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилишларнинг оқибатларига қарши курашишдан иборат бўлиб қолмоқда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар қўйилмаёпти;

еттинчидан, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи гоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар

жиноий фаолиятга, авваломбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаёпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаёпти;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайдиган, порахўрлик ва хизмат мавқеини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди;

тўққизинчидан, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигига қолмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини туздан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишни таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

биринчидан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходимини томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

иккинчидан, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, баҳариланган ишлар муҳимлиги ва қўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгиллаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штар тузилмасини мақбуллаштириш, кўч ва воситалардан оқилотда фойдаланиш;

учинчидан, халқ билан аниқ мақсадни қўлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама қўмаклашиш;

тўртинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашнинг ташкил этилишини сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибни ўрнатиш, муносабатларни қўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаси ва расмийлик билан ёндашуларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш;

бешинчидан, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисоб бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришининг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиш;

олтинчидан, аввало, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай қўринишига мурасосизлик тўғрисида сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш;

еттинчидан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

саккизинчидан, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини туздан қайта қўриб чиқиш ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

тўққизинчидан, ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

ўнчинчидан, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар

яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш.

2. 2017 йил 1 октябрдан қўйидаги тартиб ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгаши томонидан ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилади;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиқларининг ҳисоботлари эшитилади.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшитилаётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан қўйидагилар чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгиланган бўлисин.

3. Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси негизда — Жиноят қидирув бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси;

Эксперт-криминалистика маркази ва Эксперт-портлатиш техникаси маркази негизда — Эксперт-криминалистика бош маркази; Молия-иқтисодий бошқармаси, Моддий-техника таъминоти бошқармаси, Хўжалик бошқармаси, Капитал қўрилиш бошқармаси негизда — Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси;

Ташкилий-инспекторлик бошқармасининг Халқаро ҳамкорлик бўлими ҳамда Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик бўлими негизда — Халқаро ҳамкорлик бошқармаси.

4. Қўйидагилар: Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти;

Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати Қадрлар бош бошқармасига; Ташкилий-инспекторлик бошқармаси Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳлил бош бошқармасига;

Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига;

Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция ўз хавфсизлиги бошқармасига; Котибият Жисмоний, юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасига;

Алоқа бўлими Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармасига;

Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасига, тармоқ ички ишлар бошқармалари (бўлимлари, бўлинмалари) транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимига;

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти Ҳарбий-техника институтига; Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби Ёнғин хавфсизлиги институтига; сержантлар тарбиясини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларига ўзгартирилсин.

5. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиғи лавозими жорий этилсин ва у профилактика инспекторлари ишини, авваломбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар

ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишлари самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар бўлиши белгилансин.

6. Қўйидаги устувор йўналишлар назарда тутилган Ички ишлар органлари тизимини туздан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин: ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш бўйича институционал ўзгаришлар;

ички ишлар органларининг фаолиятини очик ва ошқора, шунингдек фуқароларнинг уларга ишончи ошишини таъминлайдиган тарзда ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг илғор механизмларини жорий этиш, уларнинг малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатларини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

ички ишлар органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ички ишлар органларининг моддий-техника базаси, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уй-жой-маиший шароитларини янада яхшилаш.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ички ишлар органлари тизимини туздан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссия 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия (А.А.Азизов): вазирлик ва идоралар мутахассислари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи олимлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини жалб қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича эксперт гуруҳларини тузсин ва уларнинг самарали иш олиб боришини ташкил этсин;

қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур танқидий таҳлил қилинишини ва илғор хорижий тажриба ўрганилишини, шу асосда Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланишини таъминласин;

Дастурда назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари изчил ва сифатли тайёрланиши, ўз вақтида қўриб чиқилиши ва белгиланган тартибда киритилишини, шунингдек бошқа тадбирлар амалга оширилишини доимий назорат қилинсин.

8. 2025 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва Дастур тадбирларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган ускуналар, техника, алоқа тизими ва воситалари, дастурий таъминот маҳсулотлари ҳамда бошқа моддий-техник восита ва ресурслар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирувлари учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ҳафта муддатда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ички ишлар органларининг янги ташкил этиладиган бўлинмаларини жойлаштириш, жиҳозлаш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича асосланган тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлиги А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 681 ЙИЛЛИГИ



Муносабат

Ҳақиқий бахт — тинчлик, хотиржамликда

Ҳаёт тажрибасидан маълумки, инсон кексайгани сари меҳрга, эътиборга кўпроқ эҳтиёж сеза бошлайди. Агар фарзандлари ардоғида бўлса, ён-атрофдагилар қўллаб-қувватласа, давлат гамхўрлигини ҳис этиб турса, кексалик мароқли ўтади.

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Хотира ва Қадрлар кўнига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори замирида ҳам аслида халқимизга хос бўлган миллий қадриятлар ётади.

Фармонга кўра, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 72 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш кўзда тутилган. Ватани, халқи учун урушга кирган, қон тўққан, мард, жасур, матонатли кишиларни ҳар қанча эъзозласак, уларга таъзим қилсак камлик қилади.

► Давоми 2-бетда.

Қонун ва шарҳ

«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги қонун кучга кирди

Мамлакатимизда судларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳолис фаолият юритиши учун етарли шароит яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар изчил олиб борилаётганда. Бу бежизга эмас, албатта. Чунки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, адолатли жамият қуриш бевосита одил судловга эришиш орқали амалга ошади.

Шу йилнинг 18 март кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Ушбу қонун 28 март кунин Олий Мажлис Сенатида маъқулланди. Президентимиз томонидан 6 апрель кунин имзолади ва расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгиланган.

► Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 апрель

Ш.МИРЗИЁЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН КУЧГА КИРДИ



Шуҳрат МАМАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:



Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида янги институт — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши жорий этилмоқда. Конституциямизнинг 111-моддасининг янги тахририда Судьялар олий кенгашининг конституциявий мақоми аниқ мустақамлаб кўйилган. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти мустақиллиги ҳақидаги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши белгилаб қўйилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу кенгашнинг асосий вазифалари ва ваколатларини, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, уни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилаб берди.

Кенгаш юридик шахсдир, у Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Қонуннинг 4-моддаси Кенгаш фаолиятининг асосий принципларига бағишланган. Унга мувофиқ, Кенгаш фаолияти қонунийлик, мустақиллик, коллегиаллик, ҳолислик, ўз аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги ва очикиликка асосланади.

Кенгаш қарорлари унинг мажлисида коллегиал равишда қабул қилинади. Унинг аъзолари қарорлар қабул қилишда сиёсий қарашлардан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини ифодалайди. Барча аъзолар тенг ҳуқуқлидир ва унинг ваколатига қирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда биттадан овозга эгадир.

Кенгаш ва унинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт.

Кенгаш ўз ишини фақат қонунга бўйсунган ҳолда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек, мансабдор шахслардан мустақил равишда амалга оширади. Унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Кенгаш қарорлари унинг мажлисида коллегиал равишда қабул қилинади. Унинг аъзолари қарорлар қабул қилишда сиёсий қарашлардан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини ифодалайди. Барча аъзолар тенг ҳуқуқлидир ва унинг ваколатига қирадиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда биттадан овозга эгадир.

Кенгаш ўз фаолиятини очик тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Муносабат

ҲАҚИҚИЙ БАХТ — ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИҚДА

Илк бор биргаликда жангга кирган дўстларимнинг аксарияти ҳалок бўлди. Улар энди ўн саккиз, йигирма ёшга тўлган, кўплари оила қуришга ҳам улгурмаган йигитлар эди. Уруш ана шундай ёш йигитларнинг умрига зомин бўлди.

Дўстларсиз ватанга қайтиш ниҳоятда оғир эди. Бизнинг оиладан тўрт ака-ука урушга кетган, бир акам ҳалок бўлганди. Қолган иккитасининг тақдирини номаълум эди. Уруш тугаб, уйга қайтгач, ўғлидан қора хат олган дўстларимнинг оналари болалари ҳақида мендан қайта-қайта сўрашарди. Бутун умр эшикнинг тик этган товушига илҳақ бўлиб, болам келиб қолса керак, деб эшикка кўз тикиб ўтганлар қанча. Ана шу хотиралар ҳақида кўп ўйлайман, қийналаман.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Шукр, бугунги кунларга ҳам етдик. Халқимиз орасида кадр, эъзоз топиб умргузаронлик қилишми. Ҳозир патронаж ҳамширалари келиб, ҳолимдан хабар олади. Коллеж, мактаб ўқувчилари билан тез-тез, суҳбатлашиб тураман. Уларга уруш келтирган кулфатлар ҳақида сўзлаб бераман. Ватаним, бугунги озод ва нурафшон кунларнинг қадрига етиш кераклигини айтаман. Неваралар қуршовида сеvimли бобо бўлиб ўтирибман. Кетма-кет биз каби кексаларни ўйлаб, қарорлар чиқарилапти. Президентимизнинг кечаги қарорини неварам ўқиб берди. Эътибор бу — катта бахт, руҳий мадад. Бу яшашга иштиёқимизни кучайтиради, болам.

— Ўн беш эварам бор, — дейди **89 ёшли Мехри Абзалова**. — Болаларим уйли-жойли. Уларга кўрган қийинчиликларимизни сўзлаб бераман. Бугунги яратилган

шароитлардан унумли фойдаланиб, илм олиш, ҳунар эгаси бўлиш кераклигини айтаман.

Куни кеча телевизор қаршида ўтириб, давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш бўйича чиққан фармонини диққат билан эшитдим. Бундан бошим осмонга етди.

Президентимизнинг Хотира ва Қадрлар кунига тайёргарлик қилиш тўғрисидаги қарорини эшитиб кўзимга ёш келди. Маҳалладошларимга гурурланиб айтдим. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини уй-ҳўжаликлари таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда ўз уй-жойига эга бўлмаганларига турар-жой ажратилиши мени тўлқинлантириб юборди. Кексалари эъзоз ва қадр топан юртда яшаётганимдан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Тонг отар-отмас далага чиқиб, кеч тушганда уйга қайтардик.

иборат таркибда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади.

Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тайинланади. Кенгаш раисининг ўринбосари Президент томонидан тасдиқланади ва у бир вақтнинг ўзida Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказини бошқаради.

Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси Кенгаш раисининг тақдимида биноан Президент томонидан судьялар орасидан тасдиқланади. Ушбу аъзолардан бир нафари Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари орасидан тайинланган бўлиши керак.

лар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек, раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантиришдан иборат. Шунингдек, у судьялар дахлсизлиги бўзилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашшининг олдини олиш бўйича чоратadbирлар қўради. Судьяларни касбий тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириши ташкил этиш, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, уларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик олиб бориш, аҳоли билан мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини масалаларига доир мунозаараларни кўриб чиқадди. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжат-

Кенгашнинг қарори очик овоз бериш орқали мажлис иштирокчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Раислик қилувчи охирида фавоз беради. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи бўлади. Қарорга рози бўлмаган Кенгаш аъзоси хулосани имзолайди ва у ўзининг алоҳида фикрини ёзма тарзда баён қилишга ҳақли бўлиб, ушбу фикр мажлис баённомасига қўшиб қўйилади, лекин эълон қилинмайди.

Шунингдек, Кенгаш ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан қарорлар, хулосалар қабул қилади ва тақдимномалар киритади. Кенгаш мажлисида судьялик лавозимига номзодни захирга қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш, номзоднинг кўрсатилган судьялик лавозимига муносиблиги ёки номзоднинг ҳақида, судьялик лавозимига тайинлаш, қайта тайинлаш, судьяларни рағбатлантириш ташаббуси билан чиқиш ҳақида, судьяга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш, судьяни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш учун хулоса бериш ва судьянинг ваколатларини тўхта-тириш ёки муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарорлар қабул

Кенгаш котиби ва унинг етти нафар аъзоси Президент томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан тасдиқланади.

Кенгашнинг раиси, котиби ва судьялар орасидан тасдиқланган ўн бир нафар аъзоси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади, Кенгашнинг қолган саккиз нафар аъзоси, шу жумладан Кенгаш раисининг ўринбосари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Кенгашнинг судьялар орасидан тасдиқланган ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи ўн бир нафар аъзоси Кенгаш томонидан унинг раиси тақдимида биноан Кенгашнинг шўббалари ҳамда Суд инспекцияси таркибига, шу жумладан, мазкур тузилмаларнинг раҳбарлари лавозимларига сайланади.

ларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича тақлифлар тайёрлайди. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, шунингдек, уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш учун хулоса бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқадди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу меъёрлар суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тартибини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлиги, унинг олдида барча фуқаролар тенглигини таъминлашга хизмат қилади.

Кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир. Ушбу нормалар одил судлов сифатини ошириш, суд кадрларини танлаш тизимини такомиллаштириш ва шу орқали судлар мустақиллигини кучайтириш вазифаларини қамраб олгани билан аҳамиятли, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, қонунда Кенгашнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги, Судьялар корпусини шакллантириш, Кенгаш аъзосининг мустақиллиги кафолатлари ва мақоми, моддий ва ижтимоий таъминот масалаларига тааллуқли қатор моддалар ўз аксини топан.

Умуман олганда, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва янада демократлаштириш ишлари янги босқичга олиб чиқилади. Бу эса мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо қилиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотлар кучайишига хизмат қилади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎзХДП: маҳаллий
кенгашларида

МАРДЛИК ВА АДОЛАТ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Яшнобод туман кенгаши Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежида буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллуди кунига бағишлаб тадбир ўтказди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат намунаси сифатида қадр ва эъзоз топганини таъкидлашди. Ёшларга Амир Темур давлатчилик тарихи ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Темур тузуқларидаги бебаҳо ўғитларга амал қилиш уқтирилди.

Умидхон ҲОШИМОВ,
ЎзХДП Яшнобод туман кенгаши
масъул ходими.

МАТОНАТЛИ ЁШЛАР ФУТБОЛ ТУРНИРИ

Фарғона вилояти Касаба уюшмалари қошидаги «Орзу» соғломлаштириш спорт клубида очилган футбол йўналишида бутун 30 га яқин жисмоний имконияти чекланган йигитлар шугулланмоқда. Илҳом Эшонкулов уларга тренерлик қилмоқда. Бу футбол жамоаси водий вилоятлари аро ҳамда республика мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келади. Жамоа сафида ногиронлар «Матонат» футбол жамоаси сафида жаҳон чемпионатида иштирок этган Абдужаббор Рўзиметов ҳам бўлиб, у футбол маҳорати сёрларини ёшларга ўргатиб келмоқда.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг «Истикбол» ёшлар қаноти ташкил этган ногирон ёшлар ўртасидаги футбол турнирида ушбу клуб аъзолари ҳам иштирок этди. Қиз-ғин баҳслар остида ўтган мусобақада «Кўкон» жамоаси биринчи, «Фарғона» жамоаси иккинчи ва «Андижон» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

— Биз ЎзХДПнинг ёшлар қанотидан миннатдормиз. Турнир жуда юқори савияда ташкил этилди, — дейди ғолиб жамоа сардори Темур Камолов. — Дўстлар орттирдик. Кучимизга куч қўшилди.

ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Дилбар Мамажонова ғолибларни табриклаб, эсдалик совғалари топширди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАР таъсирига тушиб қолмалик

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори «Ёшларни ёт гоёлар ва турли қарашлар таъсиридан асраш мақсадимиз» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ва семинарлар ташкил этиб келмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Шароф Рашидов туманидаги Саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида ўтказилди. Унда мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, бугунги кунда жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар хусусида сўз юритилди. Мутахассислар ёт гоёлар таъсирига тушиб қолиш оқибатида юзага келаётган фожиалар, ҳақида ҳаётини мисоллар келтиришди.

Ёшлар диний экстремизм ва одам савдосига қарши курашиш мавзулари бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда интерфаол усулда муаммо, тақлиф ва унинг ечимига қаратилган фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Тадбир давомида «Тафаккур эҳтиёжи» номли видеофильм намойиш этилди.

Шаҳноза БЕКМУРАТОВА,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши
сектор мудири.

катта. Буни чиқарилаётган қарорлар мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Президентимиз қарори ҳақида эшитдим. Уруш қатнашчилари рағбатлантирилишидан жуда хурсанд бўлдим. Фронт ва фронт ортида хизмат қилганлар йилдан-йилга қамайиб бораёпти. Улардан ҳаётини тажрибаларини ўрганишимиз, ўғитларини эшитиб, дуоларини олишимиз керак...

Албатта, ҳар қандай жамиятнинг маънавиятини ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги белгилайди. Ўз ҳаётини, оиласини пире бадавлат ота-оналар, бобо-буваларсиз тасаввур қила олмайдиган ўзбек халқи учун ушбу Қарорнинг аҳамияти ва қадри баланддир.

Уруш ҳеч қачон инсонларга ахшилик келтирмайди. Буни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мақсуд ота ва меҳнат fronti иштирокчиси Мехри бувининг хотираларини тинглаб чуқурроқ англадим. Тинчликнинг қадрига етиб, оёсайишга юртда яшаётганимизга шукроналик келтирдим.

Махлиё АЛИҚУЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти мустақиллиги ҳақидаги конституциявий принципга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши белгилаб қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

ШАРҲ

Ички ишлар органлари аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек бошқа ҳаётий муҳим вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин эгаллайди. Мустақиллик йилларида ички ишлар органларини жазолашчи, назорат қилувчи органдан ҳалқ, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган тузилмага айлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар якуни бўйича жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мушайян натижаларга эришилди. Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга йўналтирилган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Ушбу йўналишда амалга оширилётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонун даражасида белгилаш, ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш мақсадида ўтган йилнинг сентябрь ойида «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Бирок, мазкур Қонун талабларини амалиётга жорий этиш имкониятлари, шунингдек фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятига доир мурожаатларини ўрганиш соҳада ҳамон ўз ечимини қутаётган кўплаб муаммо ва масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарида қелиб тушаётган мурожаатлар таҳлили ички ишлар органлари фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш ва тубдан такомиллаштириш зарурлигидан далолат бермоқда.

Миллий ва хорижий тажриба шунини кўрсатадики, жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда техника воситаларидан фойдаланиш, ҳуқуқбузарликни содир этган шахс устидан назоратни кучайтириш каби аънавий чора-тадбирлар жиноятчилик даражасини камайтиришда ҳар доим ҳам қўтилган натижаларни бермапти. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида янги иш услубларини қўллаш, аҳоли ва жамоатчилик билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бундай камчиликларни бартараф этиш ва ўз ечимини қутаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

Фармонда мавжуд жиддий камчилик ва муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда салбий оқибатлари чуқур таҳлил қилинган.

Жумладан, республика, вилоят ва туман даражасидаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмаган, ички ишлар органларининг ўз ҳақига ташкилий-штар тузилмасига мос келмайдиган бўлиши, Бунинг оқибатида юқори бўлинмадаги айрим бўлинмалар ходимлари ўз иш фаолиятида мавжуд куч ва имкониятларини тўлиқ ишга солмаётган бир пайтда, қуйи бўлин бўлинмалари ходимлари зиммасидаги зиммат вазифалари уларнинг ҳақиқий имкониятларидан анча юқорилигича қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг ўз зиммат мажбуриятларини бажаришда масъулиятнинг су-сайишига сабаб бўлмоқда.

Ички ишлар органлари мансабдор шахслари, профилактика инспекторларининг аҳоли билан мунтазам учрашувлар ўтказмаётганлиги ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилмаётганлиги сабабли аҳолининг муаммо ҳамда ташвишларидан хабардор эмаслиги тизимнинг энг

асосий вазифаси ҳисобланган профилактика ишларида жиддий камчиликларни юзага келтирмоқда.

Тизимда иш фаолиятининг самарадорлиги ва махсуддорлигига эришиш, авваламбор, аҳоли билан бевосита мулоқот ўрнатиш, фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлик ва ҳамжихатлиқни йўлга қўйиш талаб этади.

Ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга етарлича эътибор бермаслик, бефарқлик, ишга юзаси муносабатда бўлиш ва расмийлаштириш, аҳоли билан мулоқот қилиш маданиятининг пастлиги, афсуски аччиқ ҳақиқатдир. Оқибатда бундай вазиятдан норози бўлган фуқаролар юқори ташкилотларга шикоят қилмоқда.

Фармонда бу каби муаммо ва камчиликларни ҳал этиш учун ички ишлар органлари тизимини ислох қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал хизматга айлантириш зарурлиги, «Халқ манфаатларидаги хизмат қилиш» ҳар бир ходимнинг асосий зиммат бурчи экани қайд этилди.

Шунингдек, Фармонда барча бўлинмадаги ходимларнинг асосий вазифаларини оқилона тақсимлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган, аҳоли билан доимий манзилли мулоқот ўрнатиш, ички ишлар органлари раҳбарларининг ҳокимият вакиллик органи тимсолида халқ олдида ҳисобот бериш амалиётини жорий қилиш, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника базасини янада яхшилаш каби асосий йўналишлар алоҳида белгилаб берилган.

Фармонда ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сенати томонидан бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш тартиби жорий этилмоқда. Худди шундай, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенга-шлари ҳар чорақда тегишли ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари

раҳбарларининг ҳисоботларини эшити-тади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар чорақда туман (шаҳар) ички ишлар бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботини, ҳар ойда эса унинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботини эшитилади.

Ушбу эшитувлар давомида ички ишлар органлари мансабдор шахслари томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга, хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси, жиноятларни фож этиш, жиноятчилик ҳолатини, ҳуқуқбузарликлар кўпайишига олиб келадиган сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилишга доир қўрилатган чора-тадбирлар танқидий муҳокама қилинади. Эшитувлар якунлари бўйича ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек мансабдор шахсларга нисбатан эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

Ички ишлар органлари қуйи бўлинма фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Фармон билан туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлиммаси) бошлиғи лавозимини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Унинг зиммасига профилактика инспекторлари ишини, авваламбор, вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишлари самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилади.

Шу билан бирга, Фармонда тизимда қатор ташкилий ўзгаришлар назарда тутилган. Айни пайтда дунёнинг турли минтақаларида халқро терроризм ва диний экстремизмнинг янги таҳдидлари пайдо бўлаётгани жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни ички ишлар органларининг биринчи даражаги вазифаси сифатида янада кучайтириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ушбу ҳолатлар эътиборга олинган ҳолда, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ҳамда Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси ташкил этилмоқда.

Жиноятларни тергов қилиш ички ишлар органларининг яна бир муҳим вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан, тергов органларининг мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида Тергов бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига ўзгартирилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, кадрлар билан ишлаш, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими қўниқарли даражада эмаслиги ички ишлар органлари фаолиятидаги мавжуд камчилик ва муаммолар сабабларидан биридир.

Тизимга билимли, ўз ишига содиқ ва масъулият билан ёндашадиган, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ҳамда асосий мажбурияти деб биладиган кадрларни жалб қилишга етарлича эътибор берилмапти. Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, шунингдек кадрлар билан ишлашнинг янги тизимини яратиш мақсадида Кадрлар бош бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси ташкил этилади.

Бундан ташқари, сержантлар таркибин қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби фаолияти ҳам қайта кўриб чиқилди. Улар янги талаблар асосида фаолият юритадиган ички ишлар органлари ходимларини бошланғич тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ҳарбий-техника ва Ёнғин хавфсизлиги институтлари айлантирилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг халқро алоқалари кенгайиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Бирок, бугунги кунга қадар вазирлигининг ушбу йўналишдаги фаолияти бир неча бўлинмалар томонидан иккинчи даражали вазифалар сифатида амалга ошириб келинган. Шулар эътиборга олиниб, Фармон билан тегишли таркибий бўлинмалар

негизда Халқро ҳамкорлик бошқармаси ташкил этилади.

Шунингдек, паспорт тизими талабларини амалга ошириш, хорижга чиқиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва бўлиш қоидаларини бажариш устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича ҳам муаммолар мавжуд. Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг аҳоли кўп мурожаат қиладиган туман (шаҳар) бўлимларида иш ҳажмининг тўғри тақсимланмаганлиги сабабли ноқулайликлар ва сансаторликлар юзага келмоқда. Ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислох қилиш зарурлиги эътиборга олиниб, ушбу йўналишда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари етарли даражада бажарилмаётгани кўп жиҳатдан асосий вазифаси мурожаатлар билан ишлаш ҳисобланган аниқ таркибий тузилманинг йўқлиги билан боғлиқдир. Бунинг оқибатида фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишнинг таъминлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шу муносабат билан Фармонда Ички ишлар вазирлигининг Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш бошқармасини ташкил этиш кўзда тутилган.

Фармонда қайд этилган асосий вазифаларни бажариш бўйича зарур ташкилий ва ҳуқуқий механизмларни амалга ошириш мақсадида Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислох қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Фармон ички ишлар органлари тизимида туб ислохотларнинг янги босқичини бошлаб беради. Унинг ижросини таъминлаш қонун ўстуворлигига эришиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўз вақтида амалга ошириш, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади, пировард натижада эса фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида ички ишлар органлари бутун тизими ва ҳар бир ходим фаолияти самарадорлиги ошади.

Эълон

«QO'YLIQ DEHQON BOZORI» акциядорлик жамиятининг 2016 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари

(минг сўм)				
№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1.	Асосий воситалар қолдиғи	5 627 095,3	Устав капитали	1 394 998,8
2.	Узоқ муддатли инвестиция	379 884,9	Захира капитали	2 741 401,1
3.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	899 268,3	Тақсимланмаган фойда, зарар	680 816,2
4.	Товар-моддий захиралар	63 845,8	Мақсадли тушумлар	197 907,0
5.	Кечиктирилган харажатлар	-	Бюджет бўйича қарзлар	757 669,7
6.	Пул маблағлари	39 727,6	Меҳнатга ҳақ тўлаш қарзи	249 675,6
7.	Дебиторлар жами	521 692,4	Бюджетдан ташқари қарзлар	70 305,0
8.	Бошқа жорий активлар	56 771,2	Бошқа кредиторлик қарзлар	1 495 512,1
Актив бўйича жами		7 588 285,5	Пассив бўйича жами	7 588 285,5

Молиявий натижалар:

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
	Даромад-лар	Харажат-лар	Даромад-лар	Харажат-лар
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум	5 708 952,6	x	5 461 813,4	X
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннарихи	X	721951,7	X	-
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	4 987 000,9	-	5 461 813,4	-
Давр харажатлари жами	x	3 187 211,4	X	3 092 877,9
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	2 996 743,4	-	3 155 947,2	-
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	30 433,8	x	16 320,5	X
Умумҳўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	4 826 966,7	-	5 541 203,2	-
Даромад (фойда) солигини тўлагунга қадар фойда (зарар)	4 826 966,7	-	5 541 203,2	-
Даромад (фойда) солиғи	x	4 488 595,3	X	4 860 387,0
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	338 371,4	-	680 816,2	-

Ижобий аудиторлик хулоса.

2016 йил якуни бўйича «Nazorat-Audit» МЧК томонидан 2017 йил 18 мартда хулоса берилган. Лицензия рақами: 00067, берилган санаси: 28.07.2008й. Аудитор Назаров Б.Н., сертификат №05207, санаси: 26.04.2014 й.

Хулоса: Фикримизча, ҳўжалик юритувчи субъект «Qo'Yliq dehqon bozori» АЖНнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолининг ҳаққоний ақ эътиради ва мазкур ҳўжалик юритувчи субъект амалга оширган молия-ҳўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Реклама ўрнида

АЖДОДЛАР МЕРОСИ — КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРГА

Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадий музей-қўриқхонаси ҳудуднинг бой маданий меросини асраб-авайлаш, янги-янги топила ва объектларни ҳисобга олиш, ўрганиш билан шуғулланади.


Бугунги кунда вилоятимиз ҳудудида маданий мерос объектлари сони 1850 тани ташкил қилади. Улардан, археология ёдгорликлари 1105, меъморий ёдгорликлари 669, монумент ёдгорликлари 27, меъморий лавҳалар ва диққатга сазовор жойлар эса 49 тани ташкил этади.

Бундан ташқари, музей-қўриқхона таркибида 8 музей, 8 тарихий обида, зиёратгоҳ ҳамда қадамжолар мавжуд бўлиб, жорий йил бошидан буён уларнинг тарихига оид 250 буклет ва Самарқанд шаҳар тарихий обидалари бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида экскурсия матнлари ишлаб чиқилди ҳамда нашр этилди.

Музей-қўриқхона филиаллари ва фондида сақланаётган осори-атика ва ашёларни тарғиб этиш мақсадида илмий ходимларимиз томонидан жорий йилнинг бошидан буён республика ва вилоят оммавий ахборот воситаларида 30 дан зиёд мақолалар чоп этилди.

Бундан ташқари, музей-қўриқхона объектларида турли мавзуларда ҳамда муҳим саналарга бағишланган 16 кўргазма ва экспозициялар, 11 бўлимдан иборат мустақиллик экспозициялари янги концепция асосида ташкил этилди.

Мирзо Улугбек музей-мажмуасида 3D формати асосида виртуал музей яратилиб,



www.ulugbekobservatory. - parusinfo.com va www.sammuz.uz

сайтларида жойлаштирилди. Шунингдек, Афросиёб музейидаги Вархуман саройи деворий суратларининг виртуал шакли яратилиб, gazeta.uz, kultura.uz сайтларида киритилган. Музей-қўриқхонанинг sammuz.uz сайти қайта ишлаб чиқилди ва ундаги маълумотлар доимий янгиланиб борилаётган.

Ходимларимизнинг билим савияси ва тахрибасини ошириш мақсадида ўтган йили «Иш-тиҳон туман моддий ва маданий ёдгорликларини ўрганиш» деб номланган археологик ва этнографик илмий экспедициялар ташкил этилди.

2017 йилнинг апрель-май ойларида Сурхондарё вилоятининг моддий ва маданий ёдгорликларини ўрганиш бўйича археологик ва этнографик илмий экспедиция ташкил этиш режалаштирилган.

Музей-қўриқхона тасарруфи-

даги филиалларга ўтган йил мобайнида ташриф буюрган икки миллион нафарга яқин кишидан 124 минг нафардан кўпрогини хорижий сайёҳлар ташкил қилди. Жорий йил бошидан ҳозирга қадар музей-қўриқхона объектларини кўришга келганлар сони қариб 63 минг нафарга етди.

Музей ва тарихий обидаларда ўқувчи-ёшлар, талабалар ва уларнинг ўқувчилари иштирокида турли байрам тадбирлари, очик эшиклар кuni ва очик дарслар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Ургут тумани ҳудудидаги «Чорчинор» мажмуаси, Нуробод туманидаги Ҳазрати Довуд, Кўчқорли ота, Араб ота, Остона бобо қадамжолари музей-қўриқхонанинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда ободонлаштирилди. Ҳозир бу қадамжоларга келатган зиёратчиларнинг сони тобора кўпаймоқда.

Ҳожа Дониёр макбараси, Афросиёб музейи, Абу Мансур ал-

Мотуридий ва «Чорчинор» мажмуалари ҳамда Нурободдаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи, Иштихон, Пахтачи туманлари ва Каттакўрғон шаҳридаги музейларда мукаммал таъмирлаш-қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Илмий ходимлар ташаббуси ҳамда ҳар ҳафтанинг жума кuni ўтказиладиган харид комиссиясининг саъй-ҳаракатлари туфайли музей фондини бойитиш мақсадида ўтган йилнинг ўзида аҳоли томонидан тақдим этилган 846 тарихий ашё қабул қилиб олинди. Мақсадимиз — аждодларимиз томонидан бунёд этилган тарихий ёдгорликлар, осори-атикаларни кўз қорчилидай асраш ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб беришдан иборат.

Даврон ШАКАРОВ, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий котиби.

СОҲИБҚИРОННИНГ БАРҲАЁТ МЕРОСИ

Амир Темури — халқимиз тарихи солномасидаги нажоткор қаҳрамонлардан бири. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Биринчи Президентимиз Ислам Каримов маънавий тикланиш ва янгиланиш ислохотларини улуг аждодларимизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймосини тиклаш асосига қурди. Бунинг самарасида халқимиз ҳар йили Соҳибқирон таваллуд топган кунни улуг аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида кенг байрам қилмоқда.



Бу беназир зотнинг қандай замин ва тарихий шароитда ўсиб-ўлғайгани, қай тариқа шундай юксак чўқиларга кўтарилгани, давлат арбоби, енгилмас саркарда ва инсон сифатидаги фазилатлари, ички дунёси ва кечинмалари ҳақида шарқ ва ғарб тилларида бир ярим мингдан ортиқ асар битилган. Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатда темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда.

Амир Темури феноменини англаш, ҳолис ва ҳаққоний ёритишга фақат мустақиллик туфайли кенг йўл очилди: 1996 йил мамлакатимизда Амир Темури йили бўлди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида

мухташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуг бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили Ислам Каримов тақлифи ва сўзбошиси билан «Темури тузуқлари» асари мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.

Бугун мамлакатимизда катта гайрат-шижоат билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар Амир Темури бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғундир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида «Буюк соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши

зарур», деган эзгу даввати улуг аждодимиз хотирасига кўрсатилаётган улкан эҳтиромнинг бардавомлигидан далolat.

Амир Темури Оқсарой пештоқининг олди томонида «Адолат — давлат асоси ва ҳукмдорларнинг шиоридир», деган ёзувини ёздирган, бу ҳикматга, аввало, ўзи амал қилган. Бугун мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш ва муносабатлар билан ишлаш бўйича янги тизимга асос солингани ўзбек давлатчилиги мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги ана шундай буюк анъаналарнинг мантикий давоми бўлмоқда.

Шу кунларда Халқ қабулхоналарига кираверишда давлатимиз раҳбарининг «Инсонларнинг дарду

ташвишларини ўйлаб яшаш — ода-мийликнинг энг олий мезонидир», деган ҳаётбахш сўзларига кўзингиз тўшади. Президентимиз барчага ўрнатган кўрсатиб, чекка қишлоқ ва овулларга кириб бориб, юзага келган реал вазият, аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишмоқда, муаммоларни бартараф қилиш бўйича тегишли кўрсатмалар бермоқда. Бугун парламент аъзолари, давлат органлари раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳам жойларга чиқиб, асл ҳолатни ўрганмоқда, ўз фаолиятини таҳлилий-танқидий кўриб чиқмоқда. Барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг халқ олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ўзбек ва инглиз тилларида америкалик машҳур шоир Эдгар Аллан Понинг «Буюк Темури» достонидан парча ўқиди. Республика диний ва рассомлик коллежлари ўқувчилари Амир Темури ва темурийлар давридаги либосларни намойиш қилди.

Буюк Соҳибқирон ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Шу кун Темурийлар тарихи давлат музейида «Амир Темури даврида боғ яратиш санъати» деб номланган кўргазма очилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎЗА мухбири.

Баркамол авлод орзуси

Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, педагог-кадрлар билими ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ



Самарқанд вилоятидаги «Самарқанд кўзмончоғи» нодавлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятини 2013 йил январь ойида бошлаган. Айни вақтда 120 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган муассасада рус ва инглиз тиллари, спорт, рақс, мусиқа йўналишларида тўрақлар фаолияти йўлга қўйилган. Табиат билан таништириш, қуриш-ясаш, ўқиш ва мактабга тайёрлаш машғулоти эркин ва қизиқарли тарзда ўтказилади. Эътиборлиси шундаки, замонавий қиёфага эга муассасада ёпик сув ҳавзаси, мусиқа зали, компьютер хонаси, чет тили кабинетлари, спорт заллари мавжуд. Шунингдек, болажонлар ҳаёти ҳавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида ҳар бир гуруҳ хоналарида видеокамералар ўрнатилган. Муассасанинг кириш жойида катта монитор бўлиб, ота-оналар учун ўз фарзандлари нима билан бандлигини исталган вақтда кузатиш имконияти яратилган.

— Муассасамизда бола шахсини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди муассаса раҳбари Шухрат Жўраев. — Шу билан бирга, кичкинтойларимиз ўртасида турли кўрик-танловлар уюштириб келямиз. Унда болажонларимиз қалби ва онгига миллий қадриятларимизни чуқур сингдириш ва уларга ҳурмат тўғрисида шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Муассасада таълим-тарбия ишлари ота-оналар хоҳишига кўра, рус тилида Л.Алмишева, Т.Шушарева каби маҳоратли тарбиячилар томонидан олиб борилади. Кичкинтойларга инглиз тилидан катта тажрибага эга Г.Мустафоева сабоқ беради. Компьютер саводхонлигини эса К.Генко олиб боради. Машғулотлар «Болажон» дастури асосида малакали тарбиячилар томонидан янги методлар ва технологияларни қўлланган ҳолда давлат талабларига мос тарзда ташкил этилган. Ҳар чорак якуни бўйича болажоннинг билим даражалари тарбиячилар томонидан таҳлил қилиб борилади.

Муассасада ташкил этилган «Оқик эшиклар кўни»да ота-оналар тўлиқ ярим кунни шу ерда ўтказишади. Кун тартибидagi машғулотларда қатнашади, болажоннинг овқатлантирилишини кузатади, тарбиячилардан керакли маслаҳатлар олишади, муассаса раҳбариятига ўзларини қизиқтирган саволларни беришади.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«Ўзбектелеком» АК
Тошкент филиали

Тошкент вилояти ҳудудидаги ҳозирда ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган қўйидаги объектларни ўрнатилган тартибда ижарага беради:

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Қорабау қишлоғи — 247,05 кв.м.

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Озодлик» ҚФЙ — 10,8 кв.м.

Тошкент вилояти, Бўка тумани, Азаматов фермерлик уюшмаси — 15,5 кв.м.

Тошкент вилояти, Бўка тумани, «Бўстон» фермерлик уюшмаси — 19,22 кв.м.

Тошкент вилояти, Бўка тумани, «Мустақил Ўзбекистон» фермерлик уюшмаси — 16,91 кв.м.

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Оққўрғон ДФХУ марказий бўлими — 56,52 кв.м.

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани «Ўзбекистон» ДФХУ, Навоий қишлоғи — 32,94 кв.м.

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Кўтарма» ҚФЙ — 15,33 кв.м.

Талабгорлар мазкур объектлар ҳолатини филиал вакиллари билан биргаликда уларнинг манзилига чиқиб кўришлари мумкин. Батафсил маълумотларни (+998971) 259-70-15, 259-70-19 телефон рақамлари орқали ҳамда Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бешчирок кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган «Ўзбектелеком» АК Тошкент филиали бош офисидан олиш мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

ЕМММ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узққ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри,	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», телефон: 202-61-71, 230-61-13.	Наманган шаҳри,	Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: 230-64-72.
Андижон шаҳри,	Чулпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, телефон: 230-64-65.	Самарқанд тумани,	Ўрташқ қишлоғи, Радио шаҳарча, телефон: 230-64-80.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: 230-64-66.	Термиз шаҳри,	Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: 230-64-79.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АПС-4 биноси, телефон: 230-64-68.	Гулистон шаҳри,	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: 230-64-67.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: 230-64-75.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий кўчаси, 37-«Г» уй, 36-хона, телефон: 230-64-74.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, телефон: 230-64-78.	Ўрганч шаҳри,	Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона телефон: 230-64-77.
Навоий шаҳри,	Амир Темури кўчаси, 4-уй, 802-хона, телефон: 230-64-69.		

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bo'smaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 438
14775
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 22:57
Toshkent vaqti — 01:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 6